

FUNDAMENTAL TADQIQOTLAR JURNALI

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ҚОДИРОВ Ҳусанбой Бахтиёржон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси ходими,

божхона хизмати катта лейтенанти

мустақил тадқиқотчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14997837>

ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ ИЛМИЙ ЗАРУРАТИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада давлат ташкилотларида ахборот-таҳлилий фаолиятнинг аҳамияти ва илмий зарурати ёритилган. Глобализация жараёнлари ва замонавий технологик тараққиёт шароитида давлат идораларининг самарадорлигини ошириш мақсадида ахборот-таҳлилий фаолиятни ривожлантириш муҳим экани таъкидланади.

Калит сўзлар: ахборот-таҳлилий фаолият, давлат ташкилотлари, бошқарув қарорлари, ахборот технологиялари, стратегик режалаштириш, ахборот хавфсизлиги, маълумотларни қайта ишлаш, таҳлилий тизимлар, киберхавфсизлик, сунъий интеллект, иктисодий хавфсизлик, ахборот-коммуникация технологиялари, бошқарув самарадорлиги, давлат идоралари, маълумотлар таҳлили.

ГОСУДАРСТВЕННАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ ИНФОРМАЦИОННО-АНАЛИТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНИЗУЕТ ИЗУЧЕНИЕ ВАЖНОСТИ И НЕОБХОДИМОСТИ НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещается значение и научная необходимость информационно-аналитической деятельности в государственных организациях. Подчеркивается важность развития информационно-аналитической деятельности в целях повышения эффективности государственных органов в условиях процессов глобализации и современного технологического развития.

Ключевые слова: информационно-аналитическая деятельность, государственные организации, управленческие решения, информационные технологии, стратегическое планирование, информационная безопасность, обработка данных, аналитические системы, кибербезопасность, искусственный интеллект, экономическая безопасность, информационно-коммуникационные технологии, эффективность управления, государственные органы, анализ данных.

THE STATE ORGANIZATION OF INFORMATION AND ANALYTICAL ACTIVITIES ORGANIZES THE STUDY OF THE IMPORTANCE AND NECESSITY OF SCIENTIFIC RESEARCH

ANNOTATION

This article highlights the importance and scientific necessity of information and analytical activities in government organizations. In the context of globalization processes and modern technological development, the importance of developing information and analytical activities in order to increase the effectiveness of government agencies is emphasized.

Keywords: information and analytical activity, government organizations, management decisions, information technologies, strategic planning, information security, data processing, analytical systems, cybersecurity, artificial intelligence, economic security, information and communication technologies, management efficiency, government agencies, data analysis.

Глобаллашув жараёнларининг ўзгарувчан динамикаси доимий кузатилаётган hozirgi замонда жамият билан ҳамкорликнинг асосий шарти давлат ташкилотлари ва идораларининг жамоатчилик билан ҳамкорликнинг замонавий шакл, усул ва воситаларидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Давлат ташкилотлари фаолиятида кенг қўлланилаётган рақамли ахборот-технологиялари жамиятдаги муаммолар билан ишлашда етарлича самара бермаётганлиги соҳага инновацион ёндашувни талаб этмоқда.

Дастлаб давлат ташкилотлари ва уларнинг фаолиятида ахборот-таҳлилий фаолиятнинг ролини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Давлат ташкилотлари тушунчасига норматив ҳужжатларда турлича тушунчалар берилган. Жумладан, давлат ташкилотлари ва идоралари деганда давлат ҳокимияти ва бошқарувини амалга ошириш учун ташкил этилган, муайян ваколатларга эга бўлган расмий муассасалар тушунилади. Улар давлат номидан иш юритади ва жамиятнинг турли соҳаларида фаолият олиб боради. Шунингдек, улар ўзларига бириктирилган соҳаларда ва ҳудудларда давлатнинг ижро ва тартибга солиш вазифасини бажариб, бошқарув қарорларини қабул қилишда иштирок этишади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни объект бўйича мавжуд маълумотларнинг мониторинги ва таҳлиliga асосланган ҳолда, унинг ривожланиш тенденцияларига ички ва ташқи таҳдидларни олдиндан баҳолаган ҳолда прогноз қилишни тақозо этади. Маълумки, ушбу вазифаларни амалга ошириш учун давлат ташкилотларида ахборот-таҳлилий иши тўғри йўлга қўйилган бўлиши лозим. Амалга оширилаётган ўзгаришлари фонида барча даражада ижтимоий ва иқтисодий характердаги муаммолар ҳажмининг ортанлиги қуйидаги йўналишларда ахборот-таҳлилий ишга бўлган талабни оширмоқда:

- ҳудудлар кесимида ривожланишни таъминлаш учун мавжуд ташкилотлар фаолиятини таъминлаш;

- асосий ташкилотлар ва соҳалар бўйича инвестиция тақсимотини таъминлаш;
- ҳурбий саноат комплексини зарурий йўналишларини сақлаб қолиш;
- меҳнат капиталидан фойдаланиш ва миграциясини амалга ошириш;
- нарх сиёсати ва аҳоли даромадларини юқори даражага олиб чиқиш;
- истеъмол товарлари ва хизматлар бозорини шакллантириш;
- уй-жой, қурилиш ва коммунал-хўжалик муаммоларини ҳал этиш;
- ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш муаммоларини ҳал этиш;
- халқ таълими ва маданият;
- атроф-муҳитни асраш ва экологияни таҳлил қилиш;
- табиий ресурслардан рационал фойдаланиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш;
- солиқ сиёсатини юритиш ва бошқалар.

Бугунги кунда, бошқарув жараёнларининг ёпиқлиги, қарорларни қабул қилишнинг марказлашмаганлиги, юзага келаётган жараёнлардаги ўзига хослик, такрорланмаслик ва кутилмаганлик ҳолатларини мавжудлиги давлат ташкилотларини ахборот-таҳлилий таъминотини мураккаблаштиради. Шунга қарамасдан, барча даражадаги давлат ташкилотлари хизматчилари ва қарор қабул қилувчилардан энг камида концептуал поғонада бўлса ҳам ахборот-таҳлилий фаолият ва уни ташкил этишни англаб етишлари талаб этилади.

Сўнгги йилларда ахборотнинг сони сониялар давомида ошиб бораётганлиги жараёнида давлат ташкилотларида қарорларини қабул қилиш учун муҳим ҳисобланган маълумотларни ҳақиқий ва сохтасини бир-биридан ажратиб олиш, дезинформацияга учмаслик, ахборот билан ишлашнинг барча принципларига жавоб берадиган керакли хулосаларни қўлга киритиш ахборотни қайта ишловчи замонавий технологияларни кенг қўллаш заруратини оширади. Ушбу технологиялар барча тузилмалар фаолиятининг ажралмас қисмларидан бирига айланиб бўлган.

Ахборот технологиялари орасида маълумотлар билан ишлашнинг асосий икки турдаги тизимлари кенг қўлланилади:

- операцион маълумотларни қайта ишлашга мослаштирилган тизимлар (On-line Transaction Processing);

- қарор қабул қилиш учун маълумотларни таҳлил қилишга мўлжалланган тизимлар (Decision Support Systems).

Дунё кибермаконида маълумотларни сониялар ичида таҳлил қилиб бераолиш имкониятига эга ChatGPT, DeepSeek, Open AI ва бошқа шу каби нейро тармоқлар яратилган бўлиб, улар очик манбаларда мавжуд бўлган маълумотларни киритилган алгоритм асосида сунъий интелект элементларига таянган ҳолда керакли ахборот тайёрлайди. Лекин, ушбу ахборотлар тайёр ахборот-таҳлилий ҳужжат ҳисобланмайди. Чунки, ушбу ҳужжатларда таҳлил элементлари мавжуд бўлсада, улар ахборот-таҳлилий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди.

Тадқиқотларга эътибор қаратадиган бўлсак, ахборот билан ишлаш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш билан боғлиқ илмий ишлар ғарб тадқиқотчиларининг асосий аҳамият қаратаётган соҳаларидан бири эканлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, М.Бандерман (Bandermann M), П.Друкер (Drucker, P), К.С.Лаудон (Kenneth C. Laudon) ва бошқа олимлар ахборот-коммуникация технологияларини давлат ташкилотларида, жумладан, миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида жорий этиш ва улардаги ахборотга бўлган эҳтиёж, унинг нархи, ресурслардан фойдаланишнинг илмий-амалий масалаларига тўхталиб ўтишган.

Халқаро интеграция жараёнларида кузатилаётган мавжуд вазият давлат ташкилотларининг ахборот билан таъминланганлик даражаси билан бир қаторда айнан ахборот-таҳлилий фаолиятни такомиллаштиришнинг зарурий сабаб ва омилларини юзага келтирмоқда:

- биринчидан, янги технологиялар жадал суръатларда ривожланаётганлиги ахборот-таҳлилий ишининг янги усулларини жорий этишни тақозо этади;

- иккинчидан, кибермакон ўзгаришлари маълумотнинг аниқлик талабларига жавоб бериш даражасини баҳолашда мураккабликлар юзага келтирмоқда;

- учинчидан, миллий хавфсизликни таъминлаш бўйича асосий вазифа нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда таҳдидлар манбасининг аниқлаш имконини мураккаблиги ташкилотларда муаммонинг сабаб ва омилларини таҳлил қилишга тўсқинлик қилмоқда;

- тўртинчидан, катта ҳажмли маълумотларни таҳлил қилиш билан боғлиқ қобилиятга эга кадрларнинг тайёрлаш тизимининг мавжуд эмаслиги ва бошқалар.

Ҳозирда, “ахборот-таҳлилий фаолият” тушунчаси янги ўзлашма сўзлар қаторига кирсада, у бир қатор қонунчилик ҳужжатлари билан ҳуқуқий асослантилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси билан БМТ Тараққиёт дастурининг ҳамкорликда 2010 йил 18 августда қабул қилинган “Парламент ривожланишига кўмаклашиш” ҳужжатида [1, 2, 3] ҳар иккала палата девонлари иш самарадорлигини ошириш ва парламент фаолиятини ахборот-техника жиҳатидан қўллаб-қувватлаш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборот-коммуникация базасини, ахборот-таҳлилий фаолиятининг институционал асосини мустаҳкамлаш борасида техник жиҳатдан кўмак бериши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.03.2018 йилдаги “Давлат органларининг эксперт-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3628-сон қарори билан барча давлат ташкилотларида 20 нафаргача ташаббускор ва малакали мутахассислардан иборат доимий фаолият юритадиган эксперт-таҳлил гуруҳларини ташкил этиш вазифаси юклатилган. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилинишига асос сифатида давлат органларининг ахборот-таҳлил ишларини ташкил этишнинг замонавий талабларга жавоб бераётгани амалга оширилаётган ислохотларни тўлиқ ва ўз вақтида рўёбга чиқариш, мавжуд муаммоларни самарали ҳал этиш ва ривожлантиришнинг инновацион ғояларини илгари суришга тўқинлик қилаётганлиги келтирилган.

Эътиборлиси шундаки, ахборот-таҳлилий фаолият тушунчасига расмий ҳужжатларда таъриф келтирилмаган. Шунингдек, ушбу тушунчанинг қўлланилиш доираси торлиги сабабли бу соҳага оид тадқиқотлар очик манбааларда унга нисбатан қўлланилган таърифлар мавжуд эмас.

Жумладан, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказининг “Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари” модули бўйича ўқув-услугий мажмуасида “ахборот-таҳлилий фаолият билан у ёки бу даражада ижроия ҳокимияти ва ўрта бўғин вакиллари ҳам, раҳбар кадрлари, шунингдек олий таълим соҳаси вакиллари ҳам шуғулланади. Шунинг учун ҳозирги даврда ҳар бир ходим ахборот-таҳлил ишининг усул ва воситаларини билиши ҳамда юзага келувчи вазиятларни тадқиқ қилишда улардан самарали фойдалана олиши лозим” деб келтирилган бўлсада, ушбу ҳужжатнинг бирор қисмида “ахборот-таҳлилий фаолият” тушунчасига таъриф келтирилмаганлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу тушунчага илмий асослантилган таърифлар асосан ғарб ва рус тадқиқотчиларининг ишларида келтирилган. Хусусан, А.Крибокованинг фикрига кўра **давлат ташкилотларининг ахборот-таҳлилий фаолияти** – янги илмий асослар асосида бирламчи маълумотларни замонавий таҳлилий технологиялар ёрдамида қайта ишлаш орқали олинган сифатли натижа билан жамиятнинг ахборот эҳтиёжини қондириш вазифасини амалга оширувчи муҳим соҳа ҳисобланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, давлат ташкилотларида ахборот-таҳлилий фаолиятни йўлга қўйилишининг долзарблигини қуйидаги 3 та сабаблар билан изоҳлаш мумкин:

- ташкилотларнинг стратегик режаларини ишлаб чиқиш, муаммоларни стратегик ечимларини аниқлаш;
- ташкилот соҳаси йўналишида “олдиндан хабардор” бўлиш орқали қарор қабул қилиш;
- соҳага оид жараёнларнинг ривожланиш тенденцияларини ва муаммоларнинг асосий сабабларини аниқлаш учун.

Юқорида келтирилган изоҳдан кўра И.С.Мелюхин томонидан берилган таъриф бир мунча амалийроқ бўлиб, унга кўра давлат ташкилотларида ахборот-таҳлилий фаолиятнинг мазмуни қарор қабул қилиш жараёнларини тезкор маълумот билан таъминлашга қаратилган вазифаларни бажаришдан иборат. Лекин, ушбу таъриф ҳам тўлиқ эмас. Сабаби, ташкилотда қарор қабул қилиш жараёнини ахборот билан таъсинлаш ахборот-таҳлилий ишининг ички вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки, ташкилотнинг жамият билан алоқасини узвийлигини таъминлаш каби ташқи вазифаларни ушбу таъриф тўлиқ қамраб ололмайди.

Ахборот-таҳлилий фаолиятнинг давлат ташкилотлари учун зарур эканлигини қисқача ҳар қандай даражадаги қарорларни қабул қилишни оптималлаштириш учун зарурий маълумотларни йиғиш, текшириш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ вазифани амалга ошириши билан изоҳлаш мумкин. Шунга ўхшаш таърифни тадқиқотчилар П.Ю.Конотопов ва Ю.В.Курносолар ҳам келтириб ўтишган бўлиб, улар давлат ташкилотларида ахборот-таҳлилий фаолиятни юритишнинг асосий мақсади қарор қабул қилувчи шахсларни профессионал фаолияти учун зарурий ва етарли ҳажмдаги маълумот билан таъминлаш деб келтириб ўтишган [4, 5].

Шунингдек, тадқиқотчилар томонидан давлат ташкилотларида ахборот-таҳлилий фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам аниқланган. Уларга:

- давлат ташкилотлари тузилмаларида ягона ахборот муҳити жорий этиш билан боғлиқ тўсиқлар мавжудлиги;

- ахборот-таҳлилий тизимларини жорий этиш билан боғлиқ соҳани етарлиги молиялаштирилмаслиги;

- давлат ташкилотларининг хусусий сектор билан молиявий рақобатбардошлиги пастлиги натижасида юзага келадиган кадр етишмовчилиги билан боғлиқ муаммолар.

Бундан ташқари, бу соҳага оид илмий-назарий муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, уларга:

- давлат ташкилотларининг фаолияти бўйича амалга ошириладиган таҳлилий ишнинг асосий муаммога йўналтирилмаслиги;

- маълумотнинг ҳажми ва сифати ўртасидаги тафовутларнинг мавжудлиги;

- ташкилотлардаги таҳлилий тузилмалар ишининг фақатгина хабар бериш билан чегараланганлиги;

- таҳлилчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ тизимнинг яратилмаганлиги;

- таҳлилий тузилмаларни ахборот билан таъминлаш тизимининг мунтазам эмаслиги ва бошқалар.

Тадқиқотчи Д.П.Хижняков ушбу муаммоларни келтириб чиқарувчи омилларни куйидагилар деб ҳисоблайди. Биринчидан, барча давлат ташкилотларининг ахборот-таҳлилий тизимлари мустақил бўлиб, қўйилган муаммони ҳал этиш учун уларнинг биргаликдаги фаолият юритиш тамойили йўлга қўйилмаган. Иккинчидан, қарор қабул қилиш тизимида ахборот-таҳлилий иши натижаларидан фойдаланиш даражаси барча ташкилотларда турлича.

Шу ўринда эътибор қаратиш лозимки, ахборот билан ишлаш муҳити ва унга бўлган талаблар турли ташкилотларда бир-биридан катта фарқ қилади. Бунда давлат ташкилотларини куйидаги турларга бўлга ҳолда ахборот ва таҳлилий ҳужжатларга бўлган талабини фарқлаш мумкин (1.1-жадвал):

1.1-жадвал

Давлат ташкилотларининг турлари	Ахборот билан ишлаш даражаси	Ахборот-таҳлилий ишининг муҳимлик даражаси
1. Сиёсий-иқтисодий, ижтимоий секторга оид ташкилотлар	юқори	юқори
2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар	юқори	ўрта
3. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш асосий фаолияти ҳисобланган ташкилотлар	юқори	паст
4. Таълим тизимида қирувчи ташкилотлар	ўрта	паст
5. Маданий ва маърифий секторга қирувчи ташкилотлар	паст	паст

Таъкидлаш жоизки, давлат ташкилотлари орасида вазифасига кўра сиёсий-иқтисодий, ижтимоий секторга оид ташкилотларда ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ахборот билан ишлаш юқорилиги сабабли уларда ахборот-таҳлилий фаолиятни жорий этиш муҳимлиги ҳам юқори зарурат ҳисобланади.

Божхона органлари ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ барча вазифаларини бажаришда маълумотларнинг тезкор таҳлили ва ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиниши оптималлаштириш учун қарор қабул қилиш имконини берувчи таҳлилий маълумотларни ҳукуматга тақдим этиб бориши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот-таҳлилий фаолият барча давлат ташкилотларининг зарурий вазифаларидан бирига айланиб бўлган. Асосий масала эса ушбу вазифани амалга ошириш тартибини тўғри ташкил этиш ҳамда минимал воситалар сарфи асосида максимал натижадорликка эришишда ҳисобланади.

IQTIBOSLAR. ЧОШКИ. REFERENCES.

1. Хожиев Э.Т, Рахимова М.А, Исмаилова Г.С, Нематов Ж.Н, Юлдашева Ф.У. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ этишнинг ҳуқуқий асослари: давра суҳбати материаллари. -Тошкент: Vaktria press, 2015. - 156 б.

2. Каира Ю. В. информационно-аналитическое обеспечение деятельности органов исполнительной власти известия Тульского государственного университета. Гуманитарные науки. 2015.№3. С.3-8

3. Сахаров А.А. Концепция построения и реализации информационных систем, ориентированных на анализ данных// СУБД. - 1996. – С. 55-70

4. Vandermann M. Information technology in Europe: The EC Communication's View It European Information Tecnology Observatory 1994. – Mainz.

5. Drucker, P., Innovation and entrepreneurship. Routledge. Oxford, 2014.- 366 p.

6. Kenneth C. Laudon, Jane P. Laudon. Management in information systems. Organization and Technology. New York. 2017. – 815 p.

7. Кривобокова А. Интернет-бизнес-аналитика – информационная технология нового века [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.fact.ru>.

8. Милюхин И. С. Методическое обеспечение информационно-аналитической деятельности в органах исполнительной власти // НТИ. Сер. 1. 1993. № 9. С. 19.

9. Конотопов П. Ю., Курносков Ю. В. Аналитика: методология, технология и организация информационно-аналитической работы. М., 2004.С. 13–14.

10. Хижняков Д. П. Информационно-аналитические службы и их деятельность по обеспечению процесса принятия решений в региональных органах власти // Молодой ученый. 2010. № 1–2 (13), Т. -С. 266.